ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ТЕНГЛАР ИЧРА ТЕНГ




**«Мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик — бизнинг асосий бойлигимиз».** Москвада чиқадиган «Деловая жизнь» журналининг янги сони Ўзбекистон Республикаси ҳукумати юритаётган сиёсатнинг мақсад-мазмуни жамланган ана шу сўзлар билан очилади.

Маълумки, сентябрь ойида халқимиз республика мустақиллигининг бир йиллигини зўр тантана билан нишонлаган эди. Бир йил тарих олдида ҳеч гап эмас. Аммо Ўзбекистон учун ўтган шу бир йил асрларга татигуликдир. «Деловая жизнь» ҳам ўз ўқувчиларига бунинг аҳамиятини атрофлича тушунтириб беришни мақсад қилиб, мустақил Ўзбекистон ҳақидаги материалларга катта ўрин ажратган.

Ўзбекистон географик жойланиши, иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти ҳақида илгарилари ҳам матбуотда жуда кўп маълумотномалар чиққан. Аммо республика қиёфасини энди мустақиллик мезони билан баҳолаш керак. Журналдаги Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий аҳволи, ижтимоий тараққиёти ва ташқи иқтисодий алоқалари ҳақидаги лўнда ахборотлар бу талабга жавоб беради. Айни пайтда бу маълумотномалар журналхонларни Ўзбекистоннинг мустақил ҳаёти ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун навбатдаги саҳифаларни варақлашга ундайди.

«Жаҳон ҳамжамиятига ўз йўлимиз билан». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Деловая жизнь» журнали саволларига жавоби ана шундай номланган.

Журналда таъкидланганидек, Ислом Каримов, нафақат мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ҳисобланади, балки собиқ Иттифоқ Республикалари орасида ҳам биринчи Президентдир. Бу катта масъулият. Бу катта жасорат. Мустақил бир йилнинг ўзбек халқи ҳаётидаги аҳамияти сарҳисоб қилинганда Президент масъулиятининг тарихий кўлами намоён бўлади. Шу қисқа даврда халқимизнинг асрий орзуси — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалга оширилди. Халқимиз мустақиллик йўлини танлади. Бу янги Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон халқлари ўлкадаги битмас-туганмас бойликларнинг ҳақиқий хўжайинига айландилар.

Шу бир йил ичида чинакам демократик ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдеворини қўйишга муввффақ бўлинди. Ягона мафкура ҳукмронлиги барҳам топди. Кўппартиялик, фикрлар ва ғоялар хилма-хиллиги қарор топди.

Жаҳондаги 125 та давлат Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини тан олди. 60 та хорижий давлат билан дипломатик алоқа ўрнатилди.

1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Умумевропа ҳамжамияти ва жаҳондаги бошқа бир қатор етакчи ташкилотларнинг аъзоси сифатида Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат юритмоқда.

— Давлат тараққиёти жараёнида тўпланган ҳамма яхши ва фойдали нарсалардан фойдаланамиз, — дейди суҳбатининг давомида Ўзбекистон Президенти. — Республиканинг ўзига хос хусусиятига мос келувчи ҳамма нарсани оламиз. Аммо у ёки бу моделдан кўр-кўрона нусха кўчириш ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.

Ислом Каримов ўз жавобларида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини атрофлича шарҳлаб беради. Собиқ Иттифоқ таркибидаги республикалар орасида Ўзбекистон вазиятнинг барқарорлиги, аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги билан ажралиб туради. Албатта, журнал мухбирини бунинг сабаблари, республикада кечаётган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни, ерга муносабат, хусусийлаштириш, ташқи сиёсат, Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда, умуман мусулмон давлатлари ўртасидаги ўрни ва роли каби кўпдан кўп масалалар ҳам қизиқтирган. Ўзбекистон Президентининг жавобларини ўқиб, келажакка умид кўзи билан қараган, ўз кучига ва юртининг бойликлари ҳамда иқтисодий қувватига ишонган ҳолда ўзига хос йўл билан бахтиёр фаровон ҳаётга дадил одимлаётган ўзбек халқининг қиёфасини тўла тасаввур қилиш мумкин.

Журналда Ўзбекистон Олий Мажлисининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича қўмитаси раиси Эркин Халилов «МДҲ: амалда ва келажакда» номли мақоласи билан қатнашган. Унда МДҲнинг ҳаётий зарурат туфайли пайдо бўлганлиги, бу ҳамкорлик жаҳон ҳамжамияти тарихида бутунлай янгича йўналишдаги муносабатларни бошлаб беражаги ишончли далиллар билан асослаб берилган.

«Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди». Бу шунчаки орзу эмас, балки республика ҳукумати юритаётган сиёсат, халқимизнинг бутун ҳаракати ана шу мақсадга бўйсундирилгандир. Республика Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султоновнинг «Мол олиб келишдан — чет элга мол чиқаришга» деган мақоласи ана шу ҳақдадир.

Маданий ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда фаол қатнашиш мақсадида республикамизда тижорат банкини очди. Йил охиригача унинг маблағини 1 миллиард сўм ва 20 миллион долларга етказиш мўлжалланаётир. Академия президенти Тошпўлат Тожиддиновнинг «Ўз ҳолимизча кун кечиролмаймиз» сарлавҳали суҳбатида таъкидланишича, мазкур ташкилотнинг Ўзбекистондаги фаолияти кўпқирралидир.

Мустақиллик республикамизда виждон эркинлигини таъминлашда янги имкониятларни намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Убайдулла Уватовнинг «Виждон эркинлиги — озодлик ва демократия қалби» деган мақоласида шу соҳада республикада амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов «Ватанимиз ягонадир» мақоласи билан «Деловая жизнь»нинг ушбу махсус сонида қатнашган.

Мустақил мамлакатнинг матбуоти ҳам мустақилликка хизмат қилиши шарт. «Бугун Ўзбекистондаги матбуот ходимларига жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар каби барча шароитлар яратиб берилган. Сиз Ўзбекистонга журналист сифатида келмоқчимисиз? Марҳамат, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган умум қабул қилган аккредитация қоидалари асосида Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот ва ахборот бўлимидан рўйхатдан ўтинг... Бундан бошқа муаммо йўқ». Лекин республикани ҳар қандай туҳматчи учун карвонсаройга айлантиришга йўл қўймаймиз! Бу кимлар-гадир тоталитаризм ва демократияни бўғиш бўлиб кўринар. Кечирасиз, азизлар, мустақил Ўзбекистонда ҳақиқий ва тўғри ахборотларни севиб ўқийдилар. Аксинча ишлаётган ҳамкасблар билан биз энди чиқишолмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шавкат Яҳёевнинг «Саломга яраша алик» мақоласи мустақил Ўзбекистоннинг матбуот ва журналист ўртоқлар билан ҳамкорлик қоидалари ана шундай лўнда баён этилган.

Булардан ташқари «Деловая жизнь» саҳифаларида мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратларга ҳам кенг ўрин ажратилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш кераки, Ўзбекистон ҳукумати юритаётган ички ва ташқи сиёсатнинг тўғрилигини тараққийпарвар кишилар тан олмоқдалар. «Деловая жизнь» журналининг 1992 йил 13—14-сони бунга мисолдир.

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# ПАТТА ТЎЛОВИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Патта ҳақи тўловчилар**

Бозорлар, ярмаркалар ва олди-сотди қилиш учун махсус белгиланган бошқа жойларда моллар, буюмлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотаётган жисмоний шахслар патта ҳақи тўлайдилар.

**2-модда. Патта тўлови олиш объектлари**

Патта тўлови олди-сотди қилишга ажратилган ҳар бир жой учун, савдо қилинган ҳар бир кун ёки ҳар бир мол, буюм, ҳар бош чорва мол учун олинади. Агар олди-сотди қилиш учун ажратилган жой учун ижара шартномасига кўра ижара ҳақи тўланса, у ҳолда патта тўлови ижара қийматига киритилади.

**3-модда. Патта тўлови олиш тартиби**

Патта тўлови ҳар бир тўловчидан нақд пул олиб, унга патта қоғози бериш йўли билан ундирилади. Патта қоғозини бошқа тўловчиларга бериш ман этилади.

Патта тўлови бозорлар, ярмаркалар ва олди-сотди учун махсус ажратилган бошқа жойлар ходимлари томонидан йиғилади.

**4-модда. Патта тўлови миқдорлари**

Патта тўлови миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**5-модда. Патта ҳақини тўловчи ҳамда олувчи идораларнинг вазифалари ва жавобгарлиги**

Моллар, буюмлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини бозорлар, ярмаркалар ёки олди-сотди қилиш учун ажратилган бошқа махсус жойларда патта ҳақи тўламасдан сотиш тақиқланади.

Бозорлар, ярмаркалар ҳамда моллар, буюмлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш учун махсус ажратилган бошқа жойларнинг маъмурияти патта ҳақи тўғри ва ўз вақтида ундирилишига риоя қилиши шарт. Патта тўловидан тушган маблағ бюджетга ҳар ойда бир марта, лекин ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирилмай ўтказилади. Патта тўловидан тушган маблағни ўз вақтида бюджетга ўтказмаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун ҳисобидан 0,5 фоиз миқдорда жарима ундирилади.

**6-модда. Патта тўловидан тушган маблағдан фойдаланиш тартиби**

Патта тўлови маблағларидан фойдаланишнинг тартиби ҳар йили халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан белгиланади, лекин шу маблағнинг камида ярми бозор, ярмарка ёки моллар, буюмлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун махсус ажратилган жойлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бошқа ташкилот тасарруфида қолиши шарти билан.

Патта тўловининг қолган қисми маҳаллий бюджетга ўтказилади.

**7-модда. Патта тўлови тўғри ундирилиши устидан назорат қилиш**

Патта тўлови тўғри ундирилишини давлат солиқ идоралари назорат қиладилар.

**8-модда. Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқнома**

Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси томонидан чиқарилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,

1992 йил 9 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори*

**«ПАТТА ТУЛОВИ ТУҒРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Патта тўлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1993 йил 1 февралидан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ойлик муддат ичида:

патта тўлови миқдорларини тасдиқласин;

Ҳукуматнинг, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини мазкур Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин;

Қонуннинг қўлланилишини таъминловчи меъёрий ҳужжатларни қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙУЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

**«БИРЖАЛАР ВА БИРЖА ФАОЛИЯТИ ТУҒРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 32-МОДДАСИГА УЗГАРТИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА**

1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 32-моддасининг 2-бандига ўзгартиш киритилиб, у қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Агар биржа томонидан ушбу Қонуннинг қоидалари бузилиши давом эттирилаверса, назорат қилувчи идоралар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига биржани тугатиш тўғрисидаги даъвони тақдим қилишга ҳақлидирлар».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,

1992 йил 9 декабрь.

# СОҒЛОМ АЁЛ КЕРАК ҲАЁТГА

**● Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг Ургут районида бўлиб ўтган навбатдаги семинари қатнашчилари ана шу сатрларни шиор қилиб олдилар. Бу ерга жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан таниқли хотин-қизлар ташриф буюрдилар.**

Ургут райони ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби Ўлмас Маҳматмуродов меҳмонларни табриклади ва уларни ургутликлар амалга ошираётган хайрли, савобли ишлар билан таништирди.

Республика хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Дилфуза Ғуломова ўз сўзида хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг аҳамияти хусусида фикр юритди. Семинар қатнашчилари жамиятнинг энг оғир муаммолари — оила, болалар ва оналар, оналар саломатлиги борасида мулоҳаза юритдилар, ўзларида амалга оширилаётган ишлар билан ўртоқлашдилар.

Самарқанд вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Бибисора Туробова вилоят районларида хотин-қизлар фаоллигини ошириш, кам даромадли ёки боқувчисини йўқотган аёлларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш борасида қилинаётган ишларга тўхталди. Дарвоқе семинар қатнашчиларининг мақсади ҳам бу борадаги тажрибаларни ўрганишдан иборат эди. Шу боисдан улар ургутлик аёлларнинг турмуши, ҳаёти, оиласи билан яқиндан танишдилар.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши муносабати билан Президентимиз Ислом Каримов номига табрик телеграммаси йўлладилар. Жумладан, унда Ўзбекистонда Нодирабегим давлат мукофотини таъсис этиш ҳақида таклиф ҳам бор.

**Фармон ТОШЕВ.**



# МУСТАҚИЛЛИК ДАРВОЗАСИ МУБОРАК БЎЛСИН

Дарбанд, Бобил, Боб (Поп), Темир қопқа, Тешик қопқа... Жаҳонга машҳур мазкур жойларнинг номлари дарвоза маъносини англатади, бинобарин, дарвозанинг инсоният, жамият ҳаётидаги улкан аҳамиятини акс эттиради. Ҳар бир хонадон, шаҳар, вилоят, мамлакатнинг ўз ҳад-ҳудуди бўлади, ушбу ҳудудлар девор, кўра ва бошқа тўсиқлар воситаси ила бир-биридан иҳота қилинади. Ўтмишда нафақат хонадонлар, балки, шаҳарлар, айрим вилоятлар, ҳатто айрим мамлакатлар ўз ҳудудларини баланд, ўтиб бўлмас қўрғон-деворлар билан ўраб олар эдилар. Бунинг исботи учун шаҳар қўрғони, Фарғона водийсининг текислик қисмини ўраб олган машҳур Канпирак девори ёхуд амир Алишер Навоий ҳазратларининг муборак «Хамса»ларида «Садди Искандар» деб ном олган Буюк Хитой деворини эслашнинг ўзи кифоя қилса керак. Ҳар бир ҳудуд, ташқи олам билан алоқада бўлиш учун ўз деворидан эшик, дарвозалар очган. Ҳар бир инсон ўзи яшайдиган ҳудудни ўз ватани деб билган, уни эъзозлаган, қадрига етган. Замона зайли билан, ҳарбий техника юксалиб шаҳар ва мамлакатларнинг баланд, қалин деворлари ҳам мудофаа қобилиятидан маҳрум бўлиб, уларга эҳтиёж қолмади. Лекин, дарвозаларнинг қадрияти, аҳамияти ҳамон халқ хотирасидан ўчган эмас. Зеро, дарвозалар ҳар бир хонадоннинг, шаҳарнинг, вилоятнинг ўз қонун-қоидалари, тартиби, одоби мавжудлигини эслатиб турган, дарвозалар воситасида қўни-қўшничилик, маҳалла куйчилик қилинган, савдо ва маданий-маиший алоқалар йўлга қўйилган. Ёшлик пайтларимизда оталаримиздан эшитган хотираларга кўра, сафарга кетаётган кишилар, савдогарлар қадрдонлари томонидан шаҳар дарвозаларигача кузатиб қўйилган. Сафардан қайтаётганлар, меҳмонлар, савдо карвонлари, мамлакатнинг улуғ аъёнлари ва ҳукмдорлари шаҳар дарвозалари олдида катта тантаналар билан кутиб олинар эди.

Шаҳар дарвозалари денгиздаги маёқ ёки саҳродаги воҳа сингари, кўзга ялт этиб кўринар экан. Қурувчилар ҳам ушбу ҳолни эътиборга олиб, дарвозаларни кўркам қилиб қурганлар, дарвоза ёнида эса меҳмонлар ва карвонлар учун барча зарурий шароитлар яратилган карвонсаройлар барпо этганлар.

Мен шаҳримизнинг кўрки ҳисобланмиш Худоёрхон ўрдасини тез-тез зиёрат қилиб тураман. Сўнгги ташрифимда, ўрда айвонида ярқ этиб бир дарвоза кўзимга ташланди. Маълум бўлишича, шаҳар ўлкани ўрганиш мозийгоҳи илмий ходимлари шаҳарнинг машҳур ўн икки дарвозасидан бирини қидириб топиб, ўрда ҳовлисига намойиш учун қўйган эканлар. Дарвозани кўрдиму, кўзларимда нам туйдим.

Дарвозаларнинг тарихдаги буюк хизматлари ва аҳамияти хотираси эътиборга олиниб, жаҳоннинг бир қанча йирик шаҳарларида ва гавжум жойларида дарвозалар қурилган. Ислом бешиги ва таянчи ҳисобланмиш Саудия Арабистонининг ўзидагина бир қанча маҳобатли дарвозалар мавжуд. Аллоҳнинг фарзларидан бири — ҳажга борувчилар Маккаи Мукаррамага олти томондан, олти муҳташам дарвоза орқали кириб борадилар. Тоифи — Шарифга ҳам бир нечта дарвоза орқали кириладди. Жидда-и муборак бўсағасида эса, олти қаторлик шоҳроҳ (катта йўл) устига лавҳ шаклида дарвоза ўрнатилган. Ушбу рамзий шакл Қуръони карим нозил бўлган ўлкага, диний билимлар мамлакатига кириб келаётганлигимизни эслатади. Мазкур дарвоза ёнида туну-кун турадиган дарвозабон — посбонлар шаҳарга кираётганларга лутфдан пояндоз солиб, хуш муборак этишади, шаҳардан чиқиб кетаётганларга эса оқ йўл тилаб қоладилар.

Саудия Арабистони билан Баҳрайн мамлакатларини ажратиб турувчи денгиз устида узунлиги 27 чақирим, эни эса олти қаторли қатновга мўлжалланган улкан кўприк бунёд этилган. Кўприкнинг ўртасида муҳташам дарвоза қад кўтарган. Мазкур дарвоза «Дўстлик дарвозаси» деб ном олган. Ушбу дарвоза олдига етганда, ҳар бир йўловчи машиналардан тушиб, 27 километрли денгиз йўли ўртасида ўзини қушдай енгил ҳис этиб, йодга тўйинган шифобахш денгиз ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, махсус жойларда ҳордиқ чиқариб бўлгач, Аллоҳга ҳамду-санолар ва кўприк-дарвозани қурганларга тасанно айтиб, яна йўлда давом этадилар. Агар мазкур кўприк-дарвоза бўлмаганда, бир неча минг километр йўлни айланиб ўтишга тўғри келур эди.

Истамбул — икки қитъада жойлашган ягона шаҳар. Шаҳарнинг Оврупа ва Осиё қисмларини Босфор бўғози ажратиб туради. Яқин йилларгача ҳар икки қисм ўртасидаги алоқа кема ва паром воситасида олиб борилар эди. Бир неча йил аввал Босфор узра жаҳон мўъжизалари қаторига қўшса арзийдиган улкан кўприк бунёд этилди. Кўприкнинг узунлиги 1600 метр, эни олти қаторли қатнов ўлчамида. Кўприк маъдан толаларидан эшилган, кесими икки метр қалинликдаги сим арқонга осилиб туради. Кўприкнинг ҳар икки томонида кўркам дарвозалар барпо этилган. Денгиз сатҳидан етмиш метр баландликдаги салобатли ушбу кўприкка мазкур дарвозалардан кирилади. Оврупа қитъасига жойлашган дарвозанинг юқори қисмига «Осиёга хуш келибсиз», Осиё қитъасидаги дарвоза тепасига эса, — «Европага хуш келибсиз», каломлари битилган. Дарвоза олдида эшик оғалари ҳар бир йўловчини одоб ва тавозеъ ила тўхтатиб, бир кунда 400 минг машинани ўтказиш қувватига эга бўлган ушбу кўприкдан ўтиш қоидаларини тушунтирадилар, ҳамда қоидаларга риоя қилишни сўраб, оқ йўл тилаб хайрлашиб қоладилар. Дарвозадан 800 метр ўтиб, кўприкнинг марказига етганингизда, у ёнингиздан уч қатор, бу ёнингиздан уч қатор машиналар яшин тезлигида ўтиб турганда, кўприк остидан баҳайбат Баҳри муҳит кемалари сузиб ўтаётганда, эшик оғалар уқтирган тартиб-қоидалар, маслаҳатлар киши ҳаёти учун нақадар муҳим эканлигини ҳис этасиз.

Бас, қитъаларда, давлатларда, шаҳарларда уларнинг кўркига кўрк қўшиб, маҳаллий тартиб-қоидаларни эслатиб турадиган дарвозалар бор экан, не учун биз шундай муҳим, зарурий иншоотларни қурмас эканмиз?..

Маълумки, Фарғона водийсини Туркистоннинг дурдонаси дейдилар. Фарғона вилояти эса дур ичидаги унга ҳаёт ва нур бахш этувчи ўзакдир. Мана вилоят маркази гўзал Фарғона шаҳри бўсағасида ажойиб иншоот — Фарғона дарвозаси қад кўтарди. Хизмат ва жамоатчилик юмуши билан Фарғонага қатнаб тураман. Мазкур дарвоза кўз ўнгимда қурилди, десам, адашмаган бўламан. Лекин дарвоза қурилиб битиш арафасида, охирги безак—пардоз ишлари тамомланаётган аснода кўзларимга янада бошқача кўринди. Дарҳақиқат, у ҳар бир йўловчи тўхтаб томоша қиладиган, кўрмаганлар эса кўришни орзу қиладиган даражада бўлибди. Дарвозани бир бора кўрган киши, унинг меъморий ечимига, безакларига, шарқона қиёфасига қойил қолиб, уни қурган, безатган қўли гул усталар меҳнатига тан бериб, ташаббус кўрсатган, қурдирган, қурган кишиларга офаринлар айтмай иложи йўқ. Фарғона шаҳар халқа йўлини олтин узук десак дарвоза баайни олтин узукка мос жавоҳир кўз бўлибди.



Дарвоза қурилишига ўз маблағлари билан улкан ҳисса қўшган зот — халқаро «Эл» уюшмаси раиси Абдурауф Мақсудий жаноблари шанига таҳсин ва офаринлар айтилмоқда. Мана бу тадбиркор, саховатпеша киши билан икки маротаба учрашганман. Бу кимса камтарин, оддий, ўз Ватанини севадиган ва беқиёс даражада ҳурмат қиладиган кишидурлар. Бу дарвозани қуришга шунчалик маблағларини аямабдиларки, бу — Ватан севгиси, миллат қадрига етиш деган сўздир. Дарвоза қисқа муддатда, тезкор суръатда қуриб битказилди. Бунда, албатта вилоят ҳокимлигининг ҳиссалари каттадир. Дарвозани кўздан кечирар эканман, уни қуриш ва безатишда асосий масъулиятли ишлар Хўқанди Латифнинг қўли гул усталари томонидан амалга оширилиши менда фахр туйғусини уйғотди.

Кўча-кўйда, гап-гаштакда, мажлис-анжуманларда, баъзан — ҳозирги иқтисодий шароитда шу дарвозани қуриш шартмиди? — деган луқма қулоққа чалиниб қолади. Бунга жавобан шундай дейман:

— Ҳа, шарт! Эсланг, муҳтарам дўстим: уруш йиллари, очлик, қаҳатчилик... Кун бўйи навбатда туриб зўрға олган бир бўлак жавдар нонни уйга етмаёқ, йўлда олдириб қўйган етти-саккиз ёшли болалар яшаган даврни эсланг. Шундай оғир шароитда Тошкентда Навоий ва Муқимий театрлари қурилди. Шартмиди? Демак, шарт экан. Шундай бир пайтда халқнинг руҳини кўтариш, келажакка ишонч уйғотиш учун ҳам шарт эди. Ҳозирги вақтинчалик қийинчиликлар уруш давридаги қийинчиликлар олдида ҳолва-ку ахир. Ҳозир, етти-саккиз ёшликлар у ёқда турсин, беш яшар бола ҳам дўкондан олган нонини уйга эсон-омон етказиб келади. Шундан қиёслаб олаверинг.

Азалий орзумиз — мустақилликка эришганимизга ҳам мана, Аллоҳга шукрлар бўлсинким, бир йилдан ошди. Мустақиллик эълон қилиниши арафасида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари ва бевосита раҳбариятлари остида Тошкентда Алишер Навоий ҳазратларининг 550 йилликларига атаб, Навоий боғи барпо этилди. Кейин маълум бўлишича, мазкур боғ президентимиз ниятларидаги, орзуларидаги мустақилликка дастлабки дебоча, тўғрироғи, мустақиллигимиз ниҳоли учун яратилган боғ экан.

Фарғона дарвозаси — Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан сўнгги дастлабки йирик ва муносиб ёдгорликдир. Ҳар бир халқ ўзи эришган ютуқларга бағишлаб ёдгорлик қуради: Искандария маёғи, Семирамида муаллақ боғи, Ҳиндистондаги Қутб минор, Эрондаги Беҳистун битиги, Берлиндаги Бранденбург дарвозаси ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Француз халқи ўз ютуқлари шарафига Париж шаҳрида «Зафар арки» ёхуд «Зафар дарвозаси» деб айтиладиган ёдгорлик бунёд этган. Фарғона дарвозасини шунга қиёслагим келади. Ҳа, Фарғона дарвозаси — мустақиллигимиз рамзи, исботи ва олтин бешигидир, зафар аркидир.

Хонадонларнинг туриш-турмушини баҳолашда оқилларнинг ўлчов ва мезонлари бор. Ота-онадан ёш қолган оилаларни баҳолашда, баъзан «Фалончига минг раҳмат, отасидан сўнг унинг эшигини очиб ўтирибдику» деб, миннатдорчиликлари билдирадилар.

Фарғонага охирги марта йўлим тушганда, дарвоза гўё ўз бағрига эзгу ният ниятли кишиларни чорлаётган эди. Дарвоза олдида турар эканман, тилакларим ипдек тизилиб, қалам воситасида қалбимдан қоғозга кўча бошлади:

— Мустақиллигимизнинг дастлабки рамзий ифодаси бўлмиш Фарғона дарвозаси, Буюк Ипак йўли барқарор бўлган даврдаги каби Мағриб ва Машриқни боғловчи ришта бўлсин, жаҳон иқтисоди ва маданияти учун Шарқ дарвозаси бўлиб қолсин. Шаҳарга кирувчилар дарвоза остида покланиб, яхши ниятлар билан шаҳарга кирсинлар, токи, уларга хайри-барокат ато қилсин. Шаҳардан чиқиб кетувчилар эса шаҳарнинг осойишталигидан, тўкинчилигидан, одамларнинг тотувлигидан, Аллоҳнинг бу шаҳарга берган баракотидан баҳраманд бўлиб, мамнуният ҳосил қилсинлар, ўз шаҳарларига ушбу дарвоза орқали намунали қадриятларни олиб борсинлар, ушбу дарвозадан яна кўп бора ўтишни орзу қилсинлар.

Дарвозамиз Буюк Чин девори янглиғ халқимизга асрлар оша хизмат қилсин. Миср эҳромлари Миср маданиятининг ўзига хослигини минг йиллар қаъридан олиб чиқиб, келгуси минг йилликларга элтаётгани каби, ушбу дарвозамиз Ўзбек маданияти ва қадриятларининг ҳам минглаб йиллар тарихга эга эканлигини исботлайдиган, бу жойларда Ҳожи Бурҳониддин Марғилоний, Абу Таййиб ал Хўқандий каби машҳур алломалар ўтганларидан гувоҳлик бериб турадиган ёдгорлик бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

**Нуриллоҳон ҳожи АБДУЛЛОХОН ўғли.**

**Қўқон шаҳар Исфарагузар маҳалласи оқсоқоли.**

